

Эй Абдуллоҳ, Аллоҳ сизни мағфират қилсин



08:00 / 10.09.2020 2077

Ибн Абу Зинод айтади: «Асмо бинт Абу Бакр розияллоҳу анҳода Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг кўйлаклари қолган эди. Абдуллоҳ ибн Зубайр ўлдирилганда ўша кўйлакни йўқотиб қўйдилар. Асмо розияллоҳу анҳо: «Бу кўйлакнинг йўқолиши мен учун Абдуллоҳнинг ўлиmidан ҳам оғир бўлди», деди. Кейинчалик ўша кўйлакни шомлик бир киши топиб олди. У кишидан кўйлакни сўрашган эди, «Кўйлакни бермайман. Берадиган бўлсам, Асмо кўйлакни берган одамнинг ҳаққига истиғфор айтишини шарт қиламан», деди. Асмога бу шартни айтишган эди, «Абдуллоҳнинг қотилига қандай истиғфор айтаман?» деб, кўнмади. «Кўйлакни қайтариб олмаймизми?» дейишган эди, «Майли, ўша шомлик кишига айтинглар, келсин», деди. У кўйлакни олиб келди. Ёнида Абдуллоҳ ибн Урва ҳам бор эди. Асмо шомлик кишига: «Кўйлакни Абдуллоҳга бер», деди. У берди. Асмонинг кўзлари ожиз бўлиб қолган эди, «Эй Абдуллоҳ, кўйлакни

олдингизми?» деб сўради. Абдуллоҳ «Ҳа, олдим», деди. Шунда Асмо кўйлакни Абдуллоҳ ибн Урвадан олди-да, уни назарда тутиб, «Аллоҳ сизни мағфират қилсин, Абдуллоҳ», деди.

«Солиҳлар гулшани» китобидан